



## АКЦИЗОСТИ ТОВАРЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВЛАР

**doi**[https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss3/a26](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a26)

**Эрназаров Нуриддин Эламонович -**  
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
мустақил тадқиқотчisi

**Аннотация.** Мақолада иқтисодиёт эркинлашувининг ҳозирги босқичида акцизости товарларни солиққа тортиши амалиётини бошқариш зарурлиги, можияти ва омиллари, мақсади, вазифалари ва муаммолари тадқиқ этилган. Мамлакатнинг ривожланишида акцизости товарларни солиққа тортиши амалиётини бошқариши самарали тадбирларига креатив ёндашувларнинг ўзига хос ҳусусиятлари илмий асослаб берилган ва солиққа тортиши амалиётини такомиллаштириши имкониятлари тадқиқ этилиб, тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** солиқлар ва солиққа тортиши, эгри солиқлар, акциз солиғи, акцизости маҳсулотлар, акцизости товарларни солиққа тортиши амалиёти.

## ТВОРЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ В ЭФФЕКТИВНОМ УПРАВЛЕНИИ ПРАКТИКОЙ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ АКЦИЗНЫХ ТОВАРОВ

**Эрназаров Нуриддин Эламонович -**  
Независимый научный сотрудник  
Самаркандского института экономики и сервиса

**Аннотация.** В статье исследуются необходимость, сущность и факторы, цели, задачи и проблемы управления практикой налогообложения подакцизных товаров на современном этапе экономической либерализации. Научно обоснованы особенности творческих подходов к эффективным мерам управления практикой налогообложения подакцизных товаров в развитии страны, изучены возможности совершенствования практики налогообложения и выработаны рекомендации.

**Ключевые слова:** налоги и налогообложение, косвенные налоги, акцизный сбор, подакцизные товары, практика налогообложения подакцизных товаров.

## CREATIVE APPROACHES TO EFFECTIVE MANAGEMENT OF EXCISABLE GOODS TAXATION PRACTICES

**Ernazarov Nuriddin Elamovich -**  
Independent researcher at the  
Samarkand Institute of Economics and Service

**Abstract.** The article examines the necessity, essence and factors, goals, objectives and problems of managing the practice of taxation of excisable goods at the present stage of economic liberalization. The features of creative approaches to effective measures for managing the practice of taxation of excisable goods in the development of the country are scientifically substantiated, the possibilities of improving the practice of taxation are studied and recommendations are developed.

**Key words:** taxes and taxation, indirect taxes, excise tax, excisable goods, practice of taxation of excisable goods.

**Кириш.** Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар жараёни, фискал сиёsat ва солиқ тўловчиликлар солиқ салоҳиятини ошириш муаммоларининг жадаллашуви, солиқ тизимини оптимальлаштиришнинг самарали дастакларини давлат томонидан қўллаш кўп жиҳатдан билвосита солиқлар, жумладан, акциз солиғининг самарали механизми ташкил этилишига бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда кўплаб мунозараларга сабаб бўлаётган солиқ тизимини ислоҳ қилишнинг алоҳида бир йўналиши сифатида акцизости товарларни солиққа тортиши амалиётини такомиллаштириш йўналишларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг ҳозирги шароитида солиқ тизими модернизацияси ва уни ислоҳ қилиш муаммола-

рининг ҳеч бири акцизости товарларни солиққа тортиши жараёни каби мунозарали эмасдир.

Шу ўринда мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, солиқ юкини камайтириш, бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратиш “яширин” иқтисодиётга барҳам беришнинг ягона йўлидир. Шунинг учун бу борада таъсирчан чораларни назарда тутадиган алоҳида дастур ишлаб чиқишимиз зарур. Бундан ташқари ўзимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинаётган юқори ликвидли маҳсулотлар маркировкасини жорий этиш бўйича жадал иш олиб бориш талаб этилади. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида мамлакат тараққиётининг таяничи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш, яширин фаолият юритадиганларни эса жазолаш кўзда тутилиши шарт [3].

Мамлакатимизда акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш масалаларининг назарий, методологик ва амалий жиҳатлари маҳсус, мустақил тадқиқот обьекти сифатида етарли даражада ўрганилмаганлиги мазкур илмий тадқиқот ишининг долзарбаги ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилаб беради.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Акциз солиғи турли иқтисодий ривожланиш босқичларидан бўлган қатор давлатларда билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида эътироф этилади. Шу билан бирга, акциз солиғи ҳозирги кунда жаҳон солиққа тортиш амалиётида мувафақиятли қўлланилмоқда. Акциз солиғининг қадим даврлардан ҳозирги кунга қадар бу даражада кенг тарқалишининг асосий сабаби унинг фискаллик аҳамияти ва йиғувчаник даражасининг юқорилигидир. Бу ҳақда, ҳатто, 1666 йилда француз иқтисодчиси Ф.Дэмэзон таъкидлаб ўтган эди: “Акцизнинг биргина ўзи бошқа барча солиқ тушумлари ва ундан ҳам кўпроқни беришга қодирдир” [4].

Ҳозирги кунда иқтисодий адабиётда акциз солиғининг зарурлигини асослашнинг турлича ёндашувлари ва вариантлари учрайди. Жумладан, О.Р.Тегетаева фикрича, “акциз солиғи эгри солиқ таркибиға кирса-да, ҳозирда унинг асосий аҳамияти аҳоли ижтимоий истеъмолининг ҳолати ва истиқболини баҳолаш мезони эканлигидадир” [5].

Л.В.Боровко фикрича, “ҳозирги замон солиқ сиёсатининг истиқболли йўналиши ва концептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини шакллантириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлашдир” [6].

М.А.Троянская ва Ю.О.Низамиевалар таъкидлашича, “билвосита солиққа тортишнинг самарали шакли сифатида акциз солиғидан истеъмолни тартибга соловчи ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш имкониятларини яратиш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этайдир” [7].

Юқорида билдирилган фикрларнинг умумлашма таҳлили “акциз солиғининг зарурлиги” тушунчasi моҳиятини тушунишга уч хил ёндашув мавжудлигини кўрсатди.

Биринчи ёндашув мазкур тушунчани тор маънода тушунишни изоҳлайди ва унинг эгри солиқ сифатидаги аҳамиятигагина урғу беришга асосланади.

Иккинчи ёндашув вакиллари эса ўз навбатида, ушбу тушунча талқинида асосий эътиборларини концептуал акциз солиғига тортиш амалиётининг ижтимоий йўналтирилган моделини

шакллантириш ва унинг самарали ривожланишини таъминлаш зарурлигига қаратадилар.

Ва ниҳоят, учинчи ёндашув вакиллари акциз солиғи зарурлигини давлат фискал базасини ушбу солиқ иштирокидаги шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлайдилар [8].

Мамлакатимиз миллий солиқ тизими ва солиққа тортиш амалиётини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган олим ва амалиётчи мутахассисларимиздан Э.Гадоев, Ш.Гатаулин, И.Завалишина, Т.Маликов, О.Олимжонов, Х.Собиров, А.Жўраев, Ш.Тошматов, М.Альмардонов, О.Абдурахманов, Б.Тошмуродова, Н.Хайдаров, Қ.Яхёев, Н.Кузиева, Б.Санақуловаларни ҳам мисол келтириш мумкин.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида акцизости товарларни солиққа тортиш амалиёти ҳамда акциз солиғи маъмуритчилиги мавзуси жуда кам ўрганилган.

Акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини ислоҳ қилиш ва акцизларнинг самарали моделларини яратишни қамраб олувчи бир қатор концептуал қоидалар мунозарали бўлиб, илмий тушунишни, шунингдек, солиқ солинадиган базани шакллантириш ва баҳолаш ҳамда акциз ставкаларини табақалаштириш муаммосига ойдинлик киритишни талаб қиласди. Тармоқ акцизларини ҳисоблаш, уларни бюджетга ундириш ва назорат қилишнинг солиқ тартибини ишлаб чиқиш амалиёт эҳтиёжларидан сезиларли даражада орқада қолмоқда.

Ушбу илмий тадқиқот ишларида иқтисодиёт модернизацияси ва либераллашуви шароитидаги янги солиқ сиёсати доирасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда акцизости товарларни солиққа тортиш механизмини самарали шакллантириш йўлларини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини яратиш масаласи эътибордан четда қолмоқда.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усусларидан фойдаланилди. Қиёсий усуслардан фойдаланилиб, акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини самарали бошқаришда креатив ёндашувларнинг амалий аҳамиятини ёритиш бўйича илмий хуносалар берилди.

**Таҳлил ва натижалар.** “Акциз” термини, қатор тадқиқотчилар фикрича, голландча “exijs” (қадимий французча “accise”) сўзидан келиб чиққан бўлиб, “солиқ солиш мақсадида баҳолаш” деган маънони англатади. Бундан ташқари қуидагича мулоҳаза ҳам мавжуддир, яъни “акциз” сўзи лотинча “accidere” (кесиб олмоқ, кесмоқ) сўзидан олинган бўлиб, солиқ солиш мақсадида идишда мавжуд бўлган ичимлик миқдорини ўлчашда фойдаланиладиган маҳсус чўпдаги керта белгини англатган.

Акциз солиғи оммавий турдаги истеъмол товарлари (хизматлари)га солинадиган эгри солиқ тури бўлиб, маҳсулот баҳоси (ёки хизматлар тарифи)га устама шаклда белгиланади ҳамда шу тариқа охирги истеъмолчи зиммасига юклатилади.

Акцизлар моҳияттан индивидуал ва универсал акцизларга бўлинади. Индивидуал акцизлар моҳияттан ва табиатан универсал акцизлар – кўшилган қиймат солиғи, сотовуга солинадиган солиқقا хос бўлиб, чекланган товарлар гуруҳига солиниши билан улардан фарқланади. Одатда, акцизга тортиладиган товарлар умумий характерга эга бўлиб, ушбу товарларга бўлган талаб даромад даражасига нисбатан паст эластикли(эгилувчан)дир.

Иқтисодиётнинг трансформациялашуви даврида акциз солиғи биринчилардан бўлиб жорий этилади, чунки ушбу солиқни жорий этиш ва унинг тўланиши устидан назоратни амалга ошириш нисбатан осон кечади. Бундай маъмурӣ афзалликлар солиқ органларининг солиқни ундиришда бухгалтерия маълумотларига таянишлари ўрнига, балки маълум бир товарларнинг натурада ифодаланган физик ҳажми устидан назорат қила олиш имкониятларига эгалигидан келиб чиқади.

Тарихан, акциз солиғи истеъмолга эмас, балки ишлаб чиқаришга солинадиган солиқ ҳисобланган, яъни ишлаб чиқариш жойининг ўзида ишлаб чиқарувчилардан ундирилган. Акциз солиғи маҳсулот бирлигига қатъий белгиланган суммада ёки товар қийматига нисбатан фоизда белгиланиши солиқнинг маъмурӣ афзаллигини янада тўлдиради. Бундан ташқари акциз солиғи, айниқса, маъмурӣ харажатлар бирлигига нисбатан ҳисоб-китоб қилинганда, агар акциз ости товарлари гуруҳи пухта ўйланиб, чекланган товарлар гуруҳини ўз ичига олса, юқори даромад келтириши мумкин.

Акциз солиғининг бошқа истеъмол солиқлари ва мажбурий тўловларидан асосий фарқи: *биричидан*, уларнинг амал қилиш доирасининг ўзига хослиги – аниқ бир товар (хизмат) ёки товарлар (хизматлар) гуруҳи истеъмолига қўлланилиши, *иккинчидан*, эквивалентсизdir. Биринчи хусусият акциз солиғини кенг қамровли со-

лиққа тортиш базасига эга бўлган истеъмол солиқлари – қўшилган қиймат солиғи ёки сотовуга солинадиган солиқдан фарқласа, иккинчи хусусият – жамоатчилик товарлари ва хизматларидан фойдаланганлик учун тўланадиган турли тўловлар ва йиғимлардан ажратади.

Бажарадиган функцияларидан келиб чиққан ҳолда акциз солиғини асосий уч гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: *биринчи гуруҳга*, анъанавий акциз солиғи (алкоголь ичимликлари ва тамики маҳсулотларига) киради. Мазкур гуруҳдаги акциз солиғи ундирилишидан, асосан, иккита мақсад кўзланади: ижтимоий зарар маҳсулотлар истеъмолини чеклаш ҳамда фискал, иккинчи гуруҳга, нефть ва нефть маҳсулотларига солинадиган акцизлар киради, учинчи гуруҳ ҳашам буюмларга солинадиган акциз солиғини ўз ичига олиб, одатда аниқ йўналтирилган фискал мақсадни кўзламайди. Бундай гуруҳдаги акциз солиғи аксарият ҳолларда қайта тақсимлаш функциясини бажаради, чунки мазкур буюмлар истеъмолчиси аҳолининг бой қатлами ҳисобланади.

Солиққа тортиш тизимини ташкил этиш нисбатан содда бўлиб, солиқ органлари хизматчиларининг бозор иқтисодиёти доирасида амалга ошириладиган битимли товарлар билан ишлаш борасидаги тажрибаларини оширади. Бундай тажриба қўшилган қиймат солиғи ва даромад солиғи билан ишлаш учун зарур бўлган аудит ва назоратнинг мураккаб усуслари асосини ташкил этишга ёрдам беради. Шу тариқа акциз солиғи, *бир томондан*, иқтисодиёт ривожланаётган бир пайтда транзит давр қийинчиликларини енгил ўтишда зарур бўладиган молиявий даромадларни таъминласа, *иккинчи томондан*, солиқ органларининг солиққа тортишнинг янги, янада мукаммал бўлган усусларига ўтишга ёрдам беради.

Ўтиш даври иқтисодиёти оқилона йўлга кўйилган солиққа тортишнинг акцизли тизими орқали ижобий натижаларга эришиши мумкин, чунки акциз солиғи орқали ўтиш даврининг дастлабки босқичларида солиқли тушумларнинг сезиларли даражадаги салмоғини шакллантириш мумкин.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда солиқ тизими модернизацияси ва самарали фаолиятини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, солиқларнинг истеъмолни тартибга солувчи ва ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи восита сифатидаги таъсирчанлигини ошириш, солиқ маъмуриятчилиги самарали усусларини қўллаш, корхоналарда солиқ юки ва корпоратив солиқ назорати ўрнатиш ва уни кучайтириш, бу жараённинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидағи муҳим масалалардан бирига айланди.

Шундан келиб чиқиб, ушбу масаланинг тадқиқ мақсади Ўзбекистонда акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий-амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Бунда қуидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши зарур:

- акцизости товарларни солиққа тортишнинг зарурлиги, ижтимоий-иктисодий моҳияти ва вазифаларини ёритиш;

- акцизости товарларни солиққа тортишнинг концептуал асослари ва иктисодий самарадорлиги мезонларини тадқиқ этиш;

- акцизости товарларни солиққа тортишнинг самарали тадбирларига оид хориж тажрибаларини ёритиш;

- Ўзбекистонда акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётининг ривожланиш қонуниятлари, муаммолари ва уларни ҳал қилишга оид давлат тадбирлари таҳлилини амалга ошириш;

- акцизости товарларни солиққа тортиш механизми самарадорлигини баҳолаш услубиётини таҳлил қилиш;

- акциз солиғининг бюджет даромадлари шаклланишидаги ўрни ва мазкур солиқни бюджетга ундириш тартибининг таҳлилини амалга ошириш;

- акциз солиғи маъмуриятчилиги муолажаларини такомиллаштириш йўналишларини илмий асослаш;

- акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштиришнинг комплекс-мақсадли дастури ва прогнозини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Бензин, дизель ёқилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилмоқда [1].

Акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини бошқариш самарали тадбирларига креатив ёндашув шунда намоён бўладики, унда Ўзбекистон Республикасида давлат солиқ сиёсатининг концептуал асослари доирасида мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётининг истиқболдаги вазифаларини ҳисобга олган ҳолда акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини тизимли тарзда тадқиқ этиш ва унинг диққат марказида ижтимоий-иктисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини илмий асослаш.

Акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини самарали бошқаришнинг креатив

ёндашувлари сифатида қуидагиларни таъкидлаш мумкин:

- ижтимоий-иктисодий ривожланиш истиқболларига асосланган янги солиқ сиёсати асосида солиқ тўловчилар учун яратилган шароит ва иктисодий базис, ривожланишнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда “акцизости товарларни солиққа тортиш механизми самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари” тушунчаси мазмунига тизимли ёндашувга асосланган янги таъриф бериш;

- солиқ амалиёти тадқиқи асосида акцизости товарларни солиққа тортишнинг самарали механизмини шакллантиришнинг тизимли муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал этишга оид таклифлар тизимини тавсия этиш;

- солиқ базасини кенгайтириш ва солиқ тўловчилар молиявий имкониятлари тизимидағи ҳозирги замон ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда акцизости товарларни солиққа тортишнинг самарали механизми асосида ушбу солиқнинг фискал базадаги иштирокини комплекс баҳолаш услубиётини таклиф этиш;

- акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётида ижтимоий-иктисодий ривожланиш молиявий таъминотининг муҳим асоси бўлмиш “давлат фискал мақсадлари ва солиқ дастаклари самарали амал қилиш механизми” мутаносиблигини ўзаро мувофиқлаштириш ҳамда уйғунлаштириш орқали унинг такомиллашган механизмини ишлаб чиқиш зарурлигини илмий асослаш;

- акцизости товарларни солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари юзасидан комплекс тадбирлар тизимини илмий асослаб бериш.

**Хулоса ва таклифлар.** Мавзуу юзасидан қуидаги хулосаларга келинди:

1. Ижтимоий зарар ҳисобланган ёки салбий оқибатларни юзага келтирувчи товарларга нисбатан акциз солиғининг қўлланилиши маълум бир ижобий томонларга ҳам эгадир. Бундай солиққа тортиш маълум бир маънода хавфли ҳисобланган товарлар истеъмолини чеклашга хизмат қиласи, масалан, алкоголь ичимликлари ва тамаки маҳсулотларида ёки истеъмоли атроф-муҳитни ифлослантирувчи бензин ёки ёқилғининг бошқа турларида. Бундай билвосита нафлийлик солиқнинг қўшимча натижавийлигини юзага келтиради, бироқ кўпгина акцизлар, одатда (шундай бўлиши ҳам керак), солиқли тушумларга эга бўлиш мақсадида жорий этилади.

2. Ишлаб чиқарилаётган ва Ўзбекистон Республикасининг божхона худудига олиб кирилаётган энергетик ичимликлар (кофеин моддаси юқори бўлган энергетик ичимликлар) ҳамда таркибида шакар миқдори юқори бўлган алко-

голсиз салқин ичимликларга акциз солиғини жорий этиш лозим, барқарорлик активлар таркибида молиялаштириш манбалари таркибининг мувофиқлиги тавсифларидан бири ҳисобланади.

3. Солиқ қонунчилигига мувофиқ, акциз солиғи нарх таркибида ва қўшилган қиймат солиғи базасида ҳисобга олинади. Шундан келиб чиқиб, солиқ тўловчилар божхона ҳудудига акциз солиғи солинадиган товарларни импорт қилиш вақтида қўшилган қиймат солиғи солиш

базасида божхона божи ва акциз солиғи суммаси ҳисобга олинади. Фикримизча, бу ерда солиқни ундириш механизми бироз бузилади, яъни қўшилган қиймат солиғи солиш базасига акциз солиғи ва бож суммалари ҳам киритилади. Яъни солиқقا тортиладиган базага олдин ундирилган акциз солиғи суммаси ҳам киритилмоқда, бу тўланган солиқ учун яна солиқ тўлаш демакдир. Бу солиққа тортишнинг аниқлик ва адолатлилик тамойилларига мос келмайди.

### *Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сонли “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 61 б.
4. Малов В.Н., Кольбер Ж.Б. Абсолютистская бюрократия и французское общество. – М.: Наука, 1991. С. 90.
5. Тегетаева О.Р. К проблемам реформы акцизного налогообложения. // Налоговый менеджмент. 2016. № 6. С. 23-27.
6. Боровко Л.В. Формирование социально-ориентированной модели акцизного налогообложения и эффективность её развития. // Проблемы экономики и юридической практики, 2012, № 6, с. 71-75.
7. Троянская М.А., Низамиева Ю.О. Совершенствование акцизного налогообложения как инструмента налогового регулирования. // Бизнес в законе, 2013, № 8, с. 121.
8. Джамалов Х.Н., Уразметов Ж.М. Задачи анализа финансово-хозяйственно-цифровой деятельности в новой системе финансового менеджмента. // Иқтисодиёт ва таълим, 2021. № 3, с. 96-103.
9. Jamalov Kh.N., Abdullayev A.B. (2021) Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3 (05), 151-163.